



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ МАДАНИЙ МЕРОС АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА СОҲАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон халқининг бой тарихи ва маданиятини акс эттирувчи ноёб ва ноқадрият маданий меросини асраб-авайлашни кучайтириш, соҳани рақамлаштириш, инновацион ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жаҳоннинг илғор тажрибаларини самарали қўллаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги "Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6199-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида **Маданий мерос агентлиги** (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳар бошқармалари ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Агентликнинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

- а) **моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасида:** моддий маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, тарғиб қилиш, давлат реестри, электрон каталоги, паспорти ва давлат кадастрини юритиш, қўриқ-ланадиган теғраларини белгилаш ҳамда соҳада давлат назоратини амалга ошириш; моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, уларни давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш, соҳани рақамлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш; моддий маданий мероснинг кўчмас мулк

объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш, бюромтмачи функциясини бажариш, узулксиз равишда илмий-техник назорат қилиш, тарихий-маданий экспертиза ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг тарихий-маданий қимматга таъсири бўйича экспертизасини амалга ошириш;

б) **музейлар соҳасида:** миллий музей фонднинг давлат каталогини юритиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларини миллий музей фонди таркибига киритиш, ундан чиқариш, универсал ҳуқуқий ворислик тартибидеа ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш ҳамда соҳада давлат назоратини амалга ошириш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА МЕБЕЛСОЗЛИК САОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражаси ва янги қурилаётган уй-жойлар сонининг ошиши натижасида мебелсозлик саноати маҳсулотларига нисбатан ошиб бораётган талабни қондириш, республика ҳудудларидаги мебел ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор мебел маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлигининг **1-иловага мувофиқ ҳудудларда кластер усулида мебел маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини** (кейинги матнларда — кичик саноат зоналари) **ташқил қилиш** тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: а) кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш майдонлари **мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация** қилинади; б) кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш майдонларига эгаллик қилишнинг мажбурий шартли сифатида ушбу кичик саноат зонасининг бош режасига асосан мебел ва унинг бўловчи қисмларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш объектларини жойлаштириш белгиланади;

(Давоми 3-бетда).

Эътироф

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — ДУНЁДАГИ ИЛК ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ АСОСЧИСИ

Янги Ўзбекистонда қарий 100 йиллик аграр сийёсатдан воз кечилиши бизга бир ҳақиқатни аниқлади: энди мамлакатимизда ер эмас, инсон омилли устувор! Мана, бутун эл-юрт тақдирини пахта билан боғламай ҳам фаровон яшаш мумкин экан. Эндиликда бу экин одамлар турмушини оғирлаштирувчи эмас, балки иқтисодий-иҷтимоийни қўлловчи воситага айланди. Галла ва пахтага давлат режаси бекор қилиниши мамлакат хазинасини қашшоқлаштириб ҳам қўймади.

Аксинча, Президентимиз томонидан йўлга қўйилган янги тизим — кластер шарофати билан бутун халқни сафарбар қилмай туриб, пахтадан мўл-қўл ҳосил, мўмай даромад олинапти.

Инсон ҳуқуқлари бобида дунёга ўрнак бўладиган АҚШдеқ қудратли давлатнинг яқин-яқингача амал қилган пахта сийёсатимизга муносабати қандай эди? "Мажбурий меҳнат", "Болалар меҳнати" деган асосли сабаблар билан деҳқонларимиз йил бўйи машаққатли меҳнати эвазига етиштирган ҳосилнинг бозори касод бўлганда...

Бугун эса жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистондаги ислохотларни, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг пахта-тўқимачилик кластерларини йўлга қўйиш борасидаги ташаббусини олқишламоқда.

АҚШлик нуфузли экспертнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, таҳлил ва эътирофи билан танишиб, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

3-саҳифага қаранг.

Қонунчилик палатаси фракцияларида

СУД ТИЗИМИДА СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Депутатлар илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнини интернет орқали онлайн тарзда ёритиб бориш масаласи лойиҳада ўз аксини топганини эътироф этди. Шунингдек, судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик ҳолати бўйича касбга муносиблигини баҳолашга қўмаклашувчи электрон дастурни жорий қилиш, судья фаолиятининг самардорлигини электрон рейтинг орқали очик ҳамда шаффоф баҳолаш таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш белгиланмоқда.

5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий кино санъатининг асрий анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, ушбу санъат тури орқали мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, халқаро микёсда ижодий ҳамкорлик қўламини ва маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда кўп йиллар давомида ўтказилиб келинган жаҳонга машҳур Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги "Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини яна-

да такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-6202-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 1968 — 1997 йиллар давомида Ўзбекистонда ўтказилиб келинган "Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали" **"Ипак йўли дурдонаси"** Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тиклансин ҳамда 2021 йилдан бошлаб **ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида** ўтказилсин.

2. **"Ипак йўли дурдонаси"** Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш-

нинг **асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:**

кино санъати орқали дунё мамлакатлари ўртасида маданиятлараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жаҳон киноиндустрияси вакиллари билан ҳамкорликда қўшма кино лойиҳалари яратишни кенгайтириш;

инсонпарварлик ва бағрикенглик, халқлар дўстлигини тарғиб қилувчи, замонавий дунёнинг маданий хилмахиллигини акс эттирувчи, турли мамлакатларнинг энг сара кино санъати асарларини юртимизга жалб қилиш;

(Давоми 2, 3-бетларда).

ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Шу йилнинг 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро форумда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик масалалари чуқур таҳлил қилинади.



Танзила НОРБОЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Инсоният тараққиётга эришгани сари глобал муаммоларни бирга ва ҳамжиҳатликда ҳал қилиш эҳтиёжи ҳам ўсиб бораверади. Шу боис халқаро тузилмалар томонидан энг долзарб масалалар ечимида барча давлатлар салоҳиятидан ҳамкорликда фойдаланиш чоралари кўриб келинмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) қамраб олинган масалалар нўқтаи назаридан бутун инсоният учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 2015 йилда Ўзбекистон ҳукумати 2030 йилгача бўлган давр учун Глобал кун тартибини амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Мушоҳада

Хўш, ўтган даврда мамлакатимизда бу борада нима ишлар қилинди?

Авалло, 2018 йили барқарор ривожланиш соҳасида 16 та миллий мақсад (биттаси, яъни 14-мақсад — "Океан, денгиз ва денгиз ресурсларини сақлаш ва оқилона фойдаланиш" Ўзбекистон учун долзарб эмас), уларга оид 125 та вазифа қабул қилинганини айтиш зарур. Қолаверса, БРМни рўйбга чқариш бўйича "Йўл харитаси" ижросини Мувофиқлаштирувчи кен-

гаш тузилди, 2019 йил 20 мартда ушбу кенгаш уларнинг ижросини назорат қилиш учун 206 кўрсаткични тасдиқлади. БМТ Тараққиёт дастури кўмағида 119 та кўрсаткич бўйича маълумотларга эга веб-портал (<http://nsdg.stat.uz>) ишга туширилди, 80 та кўрсаткич бўйича маълумотлар йиғиши ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистонда БРМни амалга ошириш 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар стратегияси доирасидаги

4



ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига бу галги ташрифи ҳар доимгидек самарали ва қизгин кечди. Янги ташаббус ҳамда кўрсатмалар берилди, истиқболли лойиҳалар, муҳим вазифалар белгилиб олинди. Буларнинг барчаси вилоят иқтисодий-иҷтимоий юксалтириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, одамлар розилигига эришиш учун муҳим оидмларни бошлаб бериши, шубҳасиз.

Қувончлиси, андижонликлар учун тарихий воқеа — "Янги Андижон" шаҳрига тамал тоши қўйилди. Президентимизнинг ташрифи мутасаддиларни янги лойиҳалар устида изланишга, янги мақсадлар сари интилишга ундаган бўлса, оддий аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини, умидини янада мустаҳкамлади.

Буни уларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

6-саҳифага қаранг.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2021 йил 21 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисини 2021 йил 25 июнь куни қачириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказиладиган ялпи мажлисида бир қатор масалалар кўриб чиқиши режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг давлат органларида очиклик ва ошқораликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг давлат органларида очиклик ва ошқораликни таъминлаш масалалари кўмитасини ташқил этиш тўғрисидаги масалалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, "Расмий статистика тўғрисида"ги, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги, "Судлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари муҳокама қилиниши назарда тутилган.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлик,

Бўка, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Қибрай, Паркент, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманлари ва Олмалик, Чирчиқ, Ангрён, Бекобод шаҳарлари чегараларини ўзгариштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқиши режалаштирилган.

Қолаверса, қон донорлиги соҳасини ривожлантириш юзасидан қўрилаётган чоралар тўғрисида, оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровлари юбориш ҳақидаги масалалар кўриб чиқиши назарда тутилган.

Шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларда назарда тутилган инфраструктураларни яратиш, саноатлашув ва инновацияларга қўмаклашиш мақсадида эришиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари ва бошқа масалалар муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенати ҳамда Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан маҳаллардаги ҳолат, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва соҳага оид белгиланган чора-тадбирларнинг ижро этилиши бўйича ўтказилган ўрганиш натижалари кўриб чиқиши назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

Акс садо

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ МАДАНИЙ МЕРОС АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА СОҲАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ривожлантириш, музей ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, музейларнинг тоифаларини белгилаш, миллий музей фондининг очкилигини таъминлаш ва музей ашёлари ҳамда музей коллекцияларини ўрганиш, оммалаштириш, реставрация ва асрашга доир ишларни амалга ошириш;

в) алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар соҳасида:

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларнинг паспорти, бошқариш режалари, режими, қўриқландиган теғраларини белгилаш, ушбу ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш; тарихий жойларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритишга тавсия этиш, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари, ЮНЕСКО, Умумжаҳон мероси маркази, Умумжаҳон мероси қўмитаси тавсияларининг мамлакат ҳудудида бажарилишини назорат қилиш;

г) археология соҳасида:

археология тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, археология тадқиқоти учун рухсатнома бериш, илмий ҳисоботни экспертизадан ўтказиш ва унинг сақланишини таъминлаш;

Археология ашёлари давлат каталогини юритиш, археология ашёларининг давлатга топширилишини ташкил қилиш ҳамда фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйиш ва тасарруфдан чиқариш;

археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, ҳолат эксадидаги археология объектларида зудлик билан тадқиқот ўтказилашини таъминлаш, археология объектларини консервациялаш, музейлаштириш ҳамда археология парklarини яратиш;

д) мамлакатимиз ва хориждаги маданий бойликлар соҳасида:

маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шу жумладан, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва унинг ҳудудига олиб кирилиши бўйича сертификат бериш ва реализация қилишни мувофиқлаштириш, маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказиш, уларнинг тоифасини аниқлаш, давлат реестрини юритиш, соҳада давлат назоратини амалга ошириш;

мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид хориждаги маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини яратиш, мунтазам янгилаб бориш ҳамда асл ёки кўчирма нусхалари, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш; илмий ўрганиш асосида олинган илмий маълумотлар ва уларнинг таҳлилий натижаларига оид библиография қўлланмалар, каталоглар, китоб-альбомлар, ахборот бюллетенлари ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этиш, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг ёритиш, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

3. Белгилансинки, Агентлик:

моддий маданий мерос, музейлар, археология, маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши соҳасида **махсус ваколатли давлат бошқарув органи** ҳисобланади;

ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши **мажбурий ҳисобланади**;

соҳага оид қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик ёки қонун бузилишларини бартараф қилиш ҳақида тегишлича ёзма равишда **огоҳлантиришлар** ва **ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар** беради;

қонунбузилиш ҳолатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўриш тўғрисида **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдирнома**лар киритади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари жойлашган аҳоли пунктларининг бош режалари Агентлик билан келишилиши мажбурий ҳисобланади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқландиган теғраларида объектларни қуриш, бузиш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳалари Агентлик билан мажбурий тартибда келишилади. Бунда, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар (объектлар) бўйича лойиҳалар Агентлик томонидан ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия орқали ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази билан келишилади;

моддий маданий мерос объектга етказилаётган зарар ҳақидаги ҳолат бўйича хабардор бўлган пайтдан бошлаб давлат

назоратининг дастлабки натижалари **24 соат ичида** Агентлик расмий сайти орқали жамоатчиликка маълум қилиниши шарт; асрашга доир ишларни режалаштириш ва амалга оширишнинг барча босқичларини илмий-техник тадқиқ этиш учун ҳар бир объектнинг ўзига хослиги ва ҳолатидан келиб чиқиб, **Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари** тузилади, асрашга доир ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида гуруҳ аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш назарда тутилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асрашга доир ишлар амалга ошириладиган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектлари манзили рўйхати Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари ва Агентликнинг Илмий-эксперт кенгашининг ижобий хулосалари асосида Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири томонидан тасдиқланади;

асрашга доир ишларни амалга ошириш учун Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари ва Илмий-эксперт кенгашининг ижобий хулосаларига асосан Агентлик томонидан берилган рухсатнома бўлиши шарт, ушбу қондага риоя қилмаган ҳолда берилган рухсатнома ҳақиқий ҳисобланмайди;

Илмий-эксперт кенгаши ва Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари аъзоларига давлат суд экспертилари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар татбиқ этилади. Илмий-эксперт кенгаши хулосаси Агентлик учун мажбурий ҳисобланади.

5. Қуйидагилар:

Туризм ва спорт вазирилик ҳузуридаги **Маданий мерос агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ; Туризм ва спорт вазирилик ҳузуридаги **Маданий мерос агентлиги марказий аппаратининг бошқарув ҳодимлари умумий текланган сони 65 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) бошқарув ходимларининг текланган сони **145 нафар** этиб белгилансин.

Белгилансинки, Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларнинг тузилмаларига **қўшимча 30 та штат бирлиги** давлат музейлари ходимлари сонини мақбуллаштириш ҳисобига ажратилади.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.Абдухакимов манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** давлат музейлари ходимлари сонининг мақбуллаштирилишини инобатга олиб, давлат музейларининг намунавий штатлар жадвалининг белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

6. Туризм ва спорт вазирига:

Агентликнинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар, Агентлик тизимидаги бошқа ташкилотларнинг тузилмасига бошқарув ходимларининг текланган умумий сони ва иш ҳақи фоти доирасида ўзгариштиришлар киритиш;

ҳудудий бошқармалар тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш, шунингдек, уларда бошқарув ходимларининг текланган сонини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилансинки:

Агентлик директорининг мақоми меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига қўра туризм ва спорт вазирининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари туризм ва спорт вазирининг тақдирномасига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик ходими сифатидаги иш стажига бошқа давлат органларига, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга ишга ўтиш чоғида навбатдаги ҳарбий ва махсус унвонлар олиш, шунингдек, ҳарбий ва махсус унвонлар учун устамалар ҳамда узоқ муддатли хизмат учун қўшимча ҳақлар ҳисоблаш учун иш стажига қўйиб ҳисобланади;

моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни режалаштириш, амалга ошириш, мувофиқлаштириш ва илмий-техник назорат қилиш 3-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

8. Агентликнинг бюджетдан ташқари **Маданий мерос жамғармасини** (кейинги ўринларда — Жамғарма) молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат музей-қўриқоналарига тегишли моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ижарага беришдан тушган маблағларнинг 90 фоиз миқдори;

давлат мулки бўлган бошқа ташкилотларга тегишли моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ижарага бериш ва чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг 50 фоиз миқдори;

музей-қўриқоналарда чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг 50 фоиз миқдори ва давлат музейларида чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг 10 фоиз миқдори;

маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказиш, реализация қилиш учун давлат хизмати кўрсатиш, олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификат, Миллий музей фондининг давлат каталогига музей ашёлари ва музей коллекцияларини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш ҳамда унинг таркибидан музей ашёлари ва музей коллекцияларини чиқариш учун тўловлар;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини давлат кадастрига киритиш ва чиқариш, тарихий-маданий ҳудуднинг паспортини қўриб чиқиш ва тасдиқлаш, аҳоли пунктлари бош режаларининг лойиҳаларини қўриб чиқиш ва уларга хулоса бериш учун тўловлар;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишлар учун рухсатнома ва лицензия бериш, илмий-техник назорат қилиш, шунингдек, тарихий-маданий ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг тегишли экспертизалари, реставратор-усталарга малака сертификати бериш учун тўловлар;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар ва уларнинг қўриқландиган теғраларида ер қозиш, ер тузиш, қурилиш, мелiorация ва бошқа ҳўжалик ишларини ўтказишга оид лойиҳалар, меросга бўлган таъсирини баҳолаш ҳисоботларини қўриб чиқиш учун тўловлар;

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қондаларини бузганлиги ҳамда ноҳуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказганлиги учун тўланадиган жарималар, шунингдек, давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мерос объектларига етказилган зарарни қоплаш бўйича маблағлар;

ваколатли органлар томонидан Агентлик, унинг тизимидаги ташкилотлар ва давлат музейлари, музей-қўриқоналари фаолиятини, шунингдек, моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга оширишни текшириш натижалари бўйича аниқланган ноконуний сарфланган бюджет маблағларининг, талон-торож, растраталар, қамомадлар суммаларининг Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олиннадиган даромадлар, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник бўлақлаштириш маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа тушумлар.

9. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

моддий маданий мерос объектларини, шу жумладан, археология мероси объектлари, маданий бойликлар ҳамда музей ашёлари ва коллекцияларини муҳофаза қилиш, консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, хозирги замонда фойдаланишга мослаштириш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалар ҳамда ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириш;

моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини, археология ашёлари, миллий музей фондининг давлат каталоглари ва паспортларини юритиш, музейлар фаолияти ва археология тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, тарғибот ва оммалаштириш ишларини ташкил этиш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларни муҳофаза қилиш;

Агентлик ва ҳудудий бошқармаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, электрон хизматларни ривожлантириш ва рақамлаштириш, соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга самарали қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш;

экспертларни, жумладан, хорижий мутахассислар, Илмий-эксперт кенгаши, Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш, жамоатчи инспекторлар, Агентлик ва ҳудудий бошқармаларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш, Агентлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб этиш;

қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган Агентлик фаолияти билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш учун сарфланади.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

10. Қуйидагилар:

2021-2022 йилларда **моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, музейлар фаолиятини ривожлантириш ва соҳани рақамлаштириш бўйича "Йўл харитаси"** 4-иловага мувофиқ;

2021-2022 йилларда моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш, уларнинг рақамлаштирилган паспортлари ва каталогини ишлаб чиқишнинг мақсадли кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқландиган теғраларини белгилаш ва рақамлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 6-иловага мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда давлат музейларидаги **музей ашёлари ва музей коллекцияларини электрон идентификация қилиш мақсадли кўрсаткичлари** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарор билан тасдиқланган мақсадли кўрсаткичлар 2021 йилда Жамғарма ва маданий мерос объектларини асраш учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, 2022-2023 йилларда Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

миллий кино санъатини янада ривожлантириш ва халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш, ушбу санъат тури орқали халқимизнинг бой тарихи ва бетакрор маданиятини дунёга кенг тарғиб этиш;

хорижлик кино санъати вакиллари билан ҳамкорликда ушбу соҳада илмий тадқиқот ва изланишларни амалга ошириш, ўзаро тажриба алмашиш, **таникли кино намояндалари** иштирокида конференция, давра суҳбатлари, тақдирот ва маҳорат дарсларини ташкил этиш.

3. **“Ипак йўли дурдонаси”** XIII Тошкент халқаро кинофестивали (кейинги ўринларда — Кинофестиваль) 2021 йилнинг **28 сентябрь — 3 октябрь** кунлари **“Тинчлик, тараққиёт ва маърифат”** шиори остида ўтказилсин.

Кинофестиваль **“Фестиваллар фестивали”** шаклида, нуфузли халқаро кинофестивалларнинг голиб ва номинантлари иштирокида дунёнинг энг яхши кино санъати асарларини жалб қилган ҳолда ташкил этилсин ва унинг доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилсин:

Кинофестиваль арафасида чет давлатларда Ўзбек кино санъати кунлари ҳамда Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг кино санъати кунларини ташкил этиш, ушбу тадбирларни Тошкент шаҳри ва республика ҳудудлари бўйлаб ўтказиш;

Осиё китъаси ва қадимий Ипак йўли бўйлаб жойлашган мамлакатлар **ёш киноҳодимларининг қисқа метражли фильмлари фестивалини** ўтказиш ва голибларни тақдирлаш, унинг доирасида конференция, давра суҳбати, дунёга машҳур киноҳодимлар иштирокида маҳорат сабоқлари ва тренинглр, ижодий учрашувлар ташкил қилиш;

хорижлик меҳмонлар ва иштирокчилар учун энг сара миллий

фильмларимиз намойишлари, Ўзбекистон кино санъати тарихи ва маданий меросига бағишланган медиа тадбирларни ташкил қилиш;

хорижлик ҳамкорлар ва экспертлар иштирокида **“Ўзбекфильм”** киноконцернининг кино ишлаб чиқариш бўйича хизмат кўрсатувчи марказ сифатидаги **замонавий моддий-техника базаси, технология имкониятлари ва келгуси истикболларига бағишланган тақдиротлар ўтказиш**;

хорижлик ва маҳаллий кинокомпаниялар, киностудиялар ва телекомпаниялар иштирокида **кинобозор ташкил қилиш**, уларнинг фильмлар, сериаллар ва бошқа аудиовизуал маҳсулотларни ўзаро алмашиши, харид қилиши ва сотишига қўмақлаштириш;

дунёда кино индустрияси соҳасида яратилган энг сўнгги инновация лойиҳалар ва йирик стриминг платформалари вакиллари иштирокида миллий стриминг платформаси тақдиротларини ўтказиш;

мамлакатимиз кинолокацияларини намойиш этиш, Ўзбекистоннинг кино ва туризм соҳаларидаги салоҳиятини тарғиб қилиш ҳамда бу борадаги кенг имкониятлардан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни ўтказиш.

4. Қуйидагилар:

“Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивалига **тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) **таркиби** 1-иловага мувофиқ;

“Ипак йўли дурдонаси” XIII Тошкент халқаро кинофестивалига **тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича “Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** “Ипак йўли

дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивали тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

режалаштирилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича масъул вазирилик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бадий-ижодий гуруҳлар ва халқаро экспертлар кенгашларини тузиш;

халқаро кинофестивалларни ўтказиш бўйича катта тажрибага эга бўлган хорижий ташкилотларни Кинофестивалга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга шартнома асосида жалб этишни ташкил қилиш;

Кинофестивалнинг логотипи, эсдалик совғалари, диплом ва статуэтка намуналарини, унинг дастури, тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийси ва бадий дастурлари, харажатлар сметаси, иштирокчилари ва меҳмонлари рўйхатини тасдиқлаш;

Кинофестиваль ва унинг доирасидаги тадбирларни юқори савияда ўтказишга қаратилган бошқа комплекс тайёргарлик ишларини амалга ошириш.

6. Киногеография агентлиги, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази, Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюмлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Алишер Навоий номидаги кино саройи биносини Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази бошқарувига бериш ва унинг негизида **“Киночилар уйи”ни ташкил қилиш** ҳақидаги тақлифи маълумлансин.

7. Белгилансинки:

а) Кинофестивалга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича:

Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази фаолиятига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан

11. **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари** Агентлик, Фанлар академияси, Қурилиш вазирилик, Кадастр агентлиги билан биргаликда **ҳар ярим йил якунида** ўз ҳудудларида жойлашган моддий маданий мерос объектлари ва маданий бойликларни аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиши ҳолати ҳақида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ахборот бериб борсин.

Вазирлар Маҳкамаси **ҳар чорақда** мазкур қарор билан тасдиқланган **“Йўл харитаси”** ва мақсадли кўрсаткичларнинг тўлиқ бажарилишини таъқиқий таҳлил қилиб, Агентлик, тегишли вазирилик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **раҳбарлари фаолиятига баҳо** бериб борсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **моддий маданий мерос объектлари ва музейлар соҳасидаги давлат хизматлари 8-иловага мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб электрон шаклда кўрсатилади**. Бунда, ушбу рўйхатга киритилган давлат хизматларини кўрсатишда:

Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ёки аризачининг ўзи бевосита Агентликнинг тегишли тузилмасига мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Аризачининг ўзи бевосита мурожаат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1, 2-бетларда).

д) Осиё қитъаси ва қадимий Ипак йўли бўйлаб жойлашган мамлакатлар ёш киноҳодждорларнинг қисқа метражли фильмлари фестивали ғолиблари диплом ва куйидаги микдорларда пул мукофотлари билан тақдирланади:

- 1-ўрин учун — 15 000 АҚШ доллари;
2-ўрин учун — 10 000 АҚШ доллари;
3-ўрин учун — 7 000 АҚШ доллари.
8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артикходжаев) Киноматография агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил ва келгуси йиллар Инвестиция дастури доирасида "Ўзбекфильм" киноконцерни" ҳудудидаги Ўзбекистон Киноматография академияси биносини реконструкция қилиш ва жиҳозлашни таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Киноматография агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов) билан биргаликда 10 кун муддатда ҳудудларда Кинофестиваль тадбирларига тайёргарлик қириш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин, шунингдек, унда белгиланган вазифалар 2021 йил 1 сентябрга қадар тўлиқ амалга оширилишини таъминласин. Бунда, жумладан, куйидагиларни назарда тутсин:

Кинофестиваль дастурида белгиланган тадбирларни юқори даражада ўтказиш билан боғлиқ тегишли харажатларни

Кинофестиваль харажатлар сметасига асосан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш;
ҳудудлардаги кинотеатрлар ва тадбир ўтказиладиган объектлар, уларга туташ ҳудудлар ва олиб борадиган йўлларда таъмирлаш-тиклаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш ҳамда Кинофестиваль доирасида фильмлар намойиш этишига тайёрлаш.
10. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) Киноматография агентлиги билан биргаликда Кинофестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ва бошқа тадбирларида концерт-томоша дастурларини ташкил қилсин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камилов):
а) Киноматография агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов) билан биргаликда Кинофестивалга:
меҳмонлар ва иштирокчиларни Ўзбекистон Республикасининг хоржидга дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали тақлиф этишни таъминласин;
БМТ, МДХ, ШҲТ, ЮНЕСКО, АЙСЕКО, FIAPF ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда хоржий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари вакилларини тақлиф этсин;

б) Кинофестивалга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун Киноматография агентлигининг талабномаларига асосан Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазир А.А.Абдухакимов Киноматография агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов) билан биргаликда:

маҳаллий ва хоржий инвесторларни Кинофестивалга жалб этиш учун "инвестиция пакетлари"ни шакллантириш;

"инвестиция пакетлари" доирасида инвесторларга таниқли кино юлдузларини тақлиф этиш ва улар иштирокида ўзларининг реклама ва тарғиботларини ташкил қилиш бўйича кенг шарт-шароитлар яратиб бериш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар давлат тасарруфидаги видеоэкранлар ва билборд кўринишидаги ташқи реклама объектларида берилмаётган реклама вақтининг 2021 йил 1 июнь — 1 сентябрь кунлари 5 фоизи, 2021 йил 1 сентябрь — 3 октябрь кунлари 10 фоизи Кинофестивални тарғиб қилиш учун ажратилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Дунё" ахборот агентлиги ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларига Кинофестиваль фаолиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Кинофестиваль харажатлар сметаси доирасида хоржий оммавий ахборот воситаларида унинг рекламаси ва тарғиботини ташкил қилсин.

15. Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобононов), Миллий гвардия (Р.М.Джурраев) ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Х.Қўлдошев) Кинофестиваль тадбирлари, меҳмонлари

ва иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев) Кинофестиваль ўтказиладиган жойларда тез тиббий ёрдам пунктларини ташкил этсин, тадбирлар ўтказиладиган вақтда санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

17. Давлат божхона кўмитаси (М.Б.Азимов) Кинофестиваль иштирокчиларини ҳамда уларнинг юқорини олиб кириш ва олиб чиқиш учун божхона расмийлаштирувчи белгиланган тартибда тезкорлик билан амалга оширилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазир А.А.Абдухакимов ва Киноматография агентлиги бош директори Ф.Ф.Абдухаликов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 19 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА МЕБЕЛСОЗЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

в) кичик саноат зонасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдонларини мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушунинг маҳаллий бюджетга йўналтириладиган қисми бюджетнинг қўшимча даромади сифатида шакллантирилади ва камида 30 фоизи ушбу ҳудудда янги ер майдонларини қишлоқ хўжалигига киритиш учун сарфланади;

г) ташкил қилинаётган кичик саноат зоналарининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш тадбирлари: ичимлик суви, оқоша сув тармоқларини ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — 2023 йиллар учун Давлат бюджетига назарда тутилган маблағлар;

электр энергияси, табиий газ ва алоқа тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — ўрнатилган тартибда таъминотчи корхоналар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

ўн кун муддатда кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун 1-иловада кўрсатилган ер майдонлари қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин;

бир ой муддатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов) билан биргаликда белгиланган тартибда кичик саноат зоналари ҳудудларининг chegarлари ва бош режаси ишлаб чиқиши ва тасдиқлашини таъминласин;

икки ҳафта муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) билан биргаликда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиладиган ер майдонларининг маъмулий рўйхатини тасдиқласин. Бунда ҳар бир ҳудудда янгидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари ушбу ҳудудда ташкил қилинаётган кичик саноат зонаси майдонидан камида икки баробар кўп бўлиши лозим.

4. Белгилансинки, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш учун ер майдони ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги

ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловлари, истисно тарихида, ундирилмайд.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ташкил қилинаётган кичик саноат зоналарини барча муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари билан таъминлаш маъмулий дастурини тасдиқласин.

6. 2021 йил 15 июндан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қуйидаги харажатлар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади:

2021 — 2024 йилларда йиллик тушумида тайёр мебель маҳсулотлари экспортдан тушум улуши камида 30 фоизни ташкил қиладиган маҳаллий корхоналарнинг хом ашё (ТИФ ТН бўйича 4410 ва 4411 кодлари) импорти учун сарфланган транспорт харажатларининг 50 фоизи микдорига;

2024 йил 1 январга қадар мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган экспорт қилувчи корхоналарга мебель маҳсулотларини барча давлатларга, шу жумладан, қўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль ва темир йўл ташиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ маҳсулот экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) автомобил транспортда 5 фоиздан, темир йўл транспортда 7 фоиздан кўп бўлмаган микдорига.

7. 2023 йил 1 январга қадар 2-иловага мувофиқ мебель ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарлар импортида божхона божининг нол ставкаси қўлланилсин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаъадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи "2021 — 2024 йилларда Ўзбекистонда мебель ва ёғочсозлик саноатини ривожлантириш дастури" лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

республика ҳудудларида қурилаётган кўп қаватли уй-жойларни аҳолининг талабидан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда, маҳаллий мебель маҳсулотлари билан жиҳозлаш

бўйича истеъмол кредитларининг янги турлари ва пакетларини жорий қилиш;

2021 — 2024 йилларда республика ҳудудларидаги давлат ташкилотларининг, шу жумладан, мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг мебель жиҳозларини янгиллаш графинини тасдиқлаш;

мебель саноатининг барча йўналишларида хом ашё сифатида фойдаланиладиган дархат турларини республика иқлим шариоитини ҳисобга олган ҳолда етиштириш ҳамда республика мебель саноатида хом ашё сифатида фойдаланиладиган дархат турлари плантацияларини барпо этиш;

хоржий давлатлардаги (Житой, Туркия ҳамда Европа давлатлари) йирик мебель ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан республикада ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш;

Инновацион ривожланиш вазирлиги ва "Ўзкимёсаноат" АЖ билан биргаликда республика ҳудудларида МДФ плиталари, НРЛ панеллар ҳамда мазкур қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган хом ашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш.

9. "Мебель ва ёғочсозлик саноати" уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йилдан бошлаб ҳар йили май ойида маҳаллий ва хоржий корхона вакиллари, салохиятли инвесторлар, экспертлар ва тармоққа алоқадор бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда Мебель халқаро савдо кўргазмасини ("Uzbek International Furniture Fair") ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги тақлифи маъқулансин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов) "Мебель ва ёғочсозлик саноати" уюшмаси (А.Нуриддинов) билан биргаликда икки ой муддатда Мебель халқаро савдо кўргазмасига тайёргарлик қириш ҳамда уни юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширишни бошласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда 1-иловада кўрсатилган туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаъадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 1-иловада кўрсатилган туманларда (шаҳарларда) жойлашган касб-хунарга ўқитиш муассасаларида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда мебельсозлик бўйича қисқа ва ўрта муддатли ўқув курсларини ташкил қилсин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ой муддатда "Мебель ва ёғочсозлик саноати" уюшмасининг ўқув курсларини ташкил қилиши учун "Ишга марҳамат" мономаркази Олмазор филиали биносига 5 та хонани текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин ҳамда ушбу ўқув курсларида ўқитиладиган "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз фуқароларнинг ўқув харажатлари белгиланган тартибда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган вазифаларнинг ижроси ёритиб борилишини таъминласин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б.Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 21 июнь

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — ДУНЁДАГИ

ИЛК ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ АСОСЧИСИ

Олий ўқув юртлири талабаларига маъруза ўқиш учун Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман. Бундан жуда хурсандман, ҳатто фахрланаман ҳам. Масалан, 2020 йилда Самарқанд давлат университетига озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ташкил этилган халқаро конференцияда қатнашиб, Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтган жуда қисқа вақт ораллигида амалга оширилган ислохотлар самаралари билан ҳам ақиндан танилиш бахтига муяссар бўлдим. Бунда эса қишлоқ хўжалигида туб янгиланишлар, айниқса, кластер тизими катта роль ўйнаётганини эшитиб, тўғриси, ҳайратландим.

Юртингизда бўлган пайтимда бугун дунё ҳамжамияти катта қизиқиш билан ўрганаётган кластер тизими билан ақиндан танишдим. Жумладан, "BCST Cluster" ҳамда "TCT Cluster" кластерларида хом ашё етиштиришдан то уни тайёр маҳсулотга айлантириш жараёнини кузатдим. Айниқса, Бухоро шаҳридаги йирик тўқимачилик мажмуаси менда катта таассурот қолдирди. Узида бешта фабрикани бирлаштирган ушбу комбинат Германия, АҚШ, Франция каби хоржий давлатларнинг энг замонавий технология линиялари, асбоб-ускуна ва дастоҳлари билан жиҳозланган экан.

Кластернинг Тошкент вилоятидаги кўрпаб йирик лойиҳалари ижросини кўргач, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва қайта ишлашнинг "занжирли усули"га асосланган кластерлар мамлакатда етакчи куч сифатида ўзини намоян этаяётгани аниқ бир қарар ишонч ҳосил қилдим. Бу доно раҳбар, моҳир ишсолотчи сифатида дунёга танилган Шавкат Мирмономовичнинг бундан тўрт йил аввал айтган "Пах-

Президент Шавкат Мирзиёев дунё давлатлари раҳбарлари орасида дамчирин бўлиб "Халқимиз келажакда эмас, бугун ҳам яхши яшай керак", деган улғу мақсад, эзгу вазифани ҳам топиб берди, яъни келажак бугундан бошланади, бугунимиз яхши бўлса, эртанги кунимиз, келажакимиз ҳам, албатта, яхши бўлади!

Ўтган йилги ҳайрату таассуротларимни нега бугун ёдга олаётганимдан ажабланиётгандирсиз?! Чунки яқинда аjoyиб бир китоб ўқидим. У "Cotton-Textile Cluster — locomotive of the economic development" деб номланади. Германиянинг энг нуфузли академик нашриёти бўлган "LAMBERT Academic Publishing"да инглиз тилида чоп этилибди.

Президент Шавкат Мирзиёев дунё давлатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб "Халқимиз келажакда эмас, бугун ҳам яхши яшай керак", деган улғу мақсад, эзгу вазифани илгари сурди ва бунинг ечимини ҳам топиб берди, яъни келажак бугундан бошланади, бугунимиз яхши бўлса, эртанги кунимиз, келажакимиз ҳам, албатта, яхши бўлади!

Муаллифи — Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, иқтисодий фанлари доктори, профессор, сенатор М. А. Раҳматов ва унинг ижодий гурӯҳи. Очиги, асарни ўқиб жуда таъсирландим. Қолаверса, мутолаа чоғида Ўзбекистон-

даги қалдирғоч кластерда бўлиб, унинг фаолияти билан ақиндан танишган дамларим ёдга тушди.

Китобда давлат раҳбарининг "Бир ҳақиқат барчамизга маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳани келажакки бўлмайд", деган пурмаъно сўзлари асосида кластер тизимида илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинган. Олимлар ва қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳамкорлиги кластер "занжири"нинг узвий бир ҳалқаси эканини аниқ мисоллар орқали очиб берилган.

Яна бир гап. Ушбу сафарим сабаб бой тарихи, мафтункор табии-анга қалдирғоч кластерда бўлиб, унинг фаолияти билан ақиндан танишган дамларим ёдга тушди. Китобда давлат раҳбарининг "Бир ҳақиқат барчамизга маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳани келажакки бўлмайд", деган пурмаъно сўзлари асосида кластер тизимида илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинган. Олимлар ва қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳамкорлиги кластер "занжири"нинг узвий бир ҳалқаси эканини аниқ мисоллар орқали очиб берилган.

Эфром ГУРМАН, «Vet-Vittels» компанияси президенти, биология фанлари доктори, профессор, академик. АҚШ, Нью-Йорк

Табиатнинг ғаройиб ҳодисаси — қуёш «тўхтаб қолди»

2021 йилнинг 21 июнь кунини дунё вақти билан соат 03.32 да, Тошкент вақти билан эса соат 08 дан 32 дақиқа ўтганда табиатнинг ғаройиб ҳодисаси рўй берди. Қуёш максимал — 23,5 даража оғишли юқори нуқтада гўёки тўхтаб қолди. Бу фанда "ёғиш қуёш туриши", дея изоҳланиб, у йилнинг энг узун кунини кузатилишидан дарак беради.

Бурж

Айтиш жоизки, ёғиш қуёш туриши дунёнинг кўпгина халқларида байрам сифатида кенг нишонланади. Масалан, Финляндия ва Швецияда дам олиш кунини, деб эълон қилинган.

Юртдошларимиз ҳам бу кунини ўзгача қарши олишга интилади. Сабаби ҳижрий-шаъсий йил тақвимига кўра саратон ойи қиради. Қолаверса, ёз чилласи ҳам шу паллада бошланади. Анкироғи, у саратоннинг учинчи кунини, яъни 25 июнда дохил бўлиб, 5 августгача давом этади.

Мирзо Улугбек номидаги Астрономия институти кузатувларига қараганда, Шимолий яримшарда астрономик ёз бошланди. Шу боис экватордан пастда жойлашган ҳудудларда одамлар йилнинг энг узун кунига гувоҳ бўлди. — Соат 04 дан 50 дақиқа ўтганда чиққан қуёш соат 20.00 да уфқга бош қўяди, — дейди институти катта илмий ходими, физика-математика фанлари номзоди Чори Шерданов. — Кун узунлиги 15 соату 10 дақиқа давом этади. Қуёш Буюқ юлдуз туркумидан Эгизаклар юлдуз туркумига ўтган, марказий ёриткичининг оғиши аста-се-



THE GLOBAL GOALS For Sustainable Development

БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши кўмагида 2020 йил 15 июлда ўтказилган юқори даражадаги сиёсий форум доирасида БРМни амалга оширишда эришилган ютуқлар тўғрисида Ўзбекистоннинг биринчи Ихтиёрий миллий маърузаси тайёрланди ва тақдим этилди.

Хозирги вақтда 190 дан ортиқ стратегик ҳужжат, тармоқ ва минтақавий дастур ҳамда стратегиялар БРМ вазифалари ва кўрсаткичларини ўз ичига тўлиқ олади. 2030 йилга қадар 23 та глобал рейтинг (индекслар), жумладан, БРМ глобал рейтинг орқали мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини кузатиб боради. Унга қўра, Ўзбекистон ҳозир 66-ўринни эгаллаб турибди.

Умуман, миллий парламентишимиз Барқарор ривожланиш мақсадлари ижросига кенг жалб этиш орқали Парламентлараро Иттифоқ ва БМТ билан ҳамкорлик алоқаларимиз янада мустаҳкамланади. Кейинги йиллардаги сайёҳаракатларимиз ҳамда кўлга киритилётган натижаларимиз ҳам шундан далолат бериб турибди.

Хукуматимиз БРМга эришишга собитқадамлик билан ёндашмоқда

Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги ишлар хусусида гап кетганда, Хукуматимизнинг бу борадаги иштирокига тўхталмасак адолатдан бўлмайд.

БРМ индекси рейтингини яхшилаш бўйича Хукумат томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини айтиш шарт.

Хусусан, "Bertelsmann Stiftung" жам-



BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISHDA PARLAMENTLARARO GLOBAL HAMKORLIK XALQARO FORUMI

INTERNATIONAL FORUM ON INTERPARLIAMENTARY GLOBAL COOPERATION IN THE IMPLEMENTATION OF THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОРУМ МЕЖПАРЛАМЕНТСКОГО ГЛОБАЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В РЕАЛИЗАЦИИ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

Бухоро 2021-йил 23-24 июн Bukhara June 23-24, 2021 Бухара 23-24 июня 2021 года

ЎЗБЕКИСТОН

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

БРМни рағбатлантириш ва амалга оширишда парламентнинг ўрни

Бугун Ўзбекистон парламенти қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. 2030 йилга қадар даврда ҳар бир инсон ҳаётида барқарор ривожланишга эришиш учун БМТ томонидан тақлиф қилинган мақсадларни амалга оширишда парламент аъзолари маъсулият ҳамда шафқатликка алоҳида эътибор қаратаётганликлари ҳам таъкидлаш жоиз.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг асосий воситаси эса парламентнинг назорат функцияларидан самарали фойдаланишдир. Негаки, айнан парламент назорати БРМга эришиш борасидаги ишлар ҳолатини ҳолисона баҳолаш имконини беради.

Шу муносабат билан ўтган йили Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилди, унинг низоми тасдиқланди. Узининг қонун ижодкорлиги ҳамда назорат қилишда ваколатларидан фойдаланган ҳолда, парламентнинг ҳар икки палатаси барқарор ривожланишнинг мақсад ва вазифаларини бажаришда фаол иштирок этмоқда. Бу ишларга фуқаролик жамияти, ёшлар ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари ташкилотлари ҳам кенг жалб қилинган.

Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Мувофиқлаштирувчи кенгашига юксалган вазифаларнинг бажарилиши устидан назорат қилади ва унга бу борада кўмаклашади;
• миллий мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш, уларга эришиш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг ҳисоботларини ҳар чоракда камида бир марта ўқиб боради;
• қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича тақлифлар тайёрлайди;
• шу йўналишдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тизимли равишда мониторинг қилиб боради;
• миллий мақсадлар ва вазифаларга киритилган соҳалар (ижтимоий, соғлиқни сақлаш, экология, гендер тенглик, камбағалликни бартараф этиш ва бошқалар) ривожини танқидий таҳлил қилади;
• барқарор ривожлантириш соҳасидаги ишларнинг амалдаги ҳолатини ўрганади;
• мазкур йўналишдаги ишлар

кенг ёритиш мақсадида жамоатчилик билан алоқаларни, жумладан, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг юксак даражадаги сиёсий форумида Ихтиёрий миллий шарҳларни муҳокама қилиш ва тақдим этишда қатнашиш орқали қўллаб-қувватлайди;

• Парламент комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни муҳокама қилади.

Ана шулардан келиб чиқиб, бугун бу комиссия томонидан кенг қўламли ишлар олиб борилаётганини эътироф этиш лозим.

Хусусан, ўтган йили мазкур тузилма томонидан республика ҳудудларида миллий барқарор ривожланиш мақсадлари ҳисобланган — камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, оналар ва болалар ҳимояси, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳолат ўрганиб чиқилди. Ушбу тадқиқотда 37 та миллий вазифа ва 50 дан зиёд кўрсаткичлар қамраб олинган бўлиб, унда 19 та давлат органи раҳбарлари ҳисоботлари тингланди. БРМнинг миллий мақсадларидан келиб чиқиб, хукумат вакиллари Олий Мажлис томонидан 27 та парламент, 388 та сенаторлик ҳамда 338 та депутатлик сўровлари юборилди.

БРМга эришиш хусусида сўз бораркан, Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларолини ошириш тўғрисида махсус резолюция қабул қилиш тақлифини алоҳида тилга олиш ўринлидир. Зеро, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши парламент томонидан қонунлар қўриб чиқиш жараёнида БРМга мос эканлиги нуқтаи назаридан ёндашишга, назорат функцияларини бажаришда ижро органларининг бу борадаги фаолиятига алоҳида баҳо беришга, шу билан бирга, БРМнинг жойларда ҳаётга таъбиқ этилишига жиддий эътибор қаратишга ҳизмат қилади.

Шунингдек, мазкур резолюциянинг қабул қилиниши:

- Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, уларнинг ижросини мониторинг қилиш, жумладан, миллий режа ва дастурлар ҳамда парламент назоратини таъминлашда парламент аъзоларининг ролини мустаҳкамлаш имконини беради;
• БМТ Глобал кун тартибининг тамойилларини акс эттирувчи зарур шарт-шароитларни, жумладан, миллий ҳуқуқий тизимни яратиш, БРМнинг миллий сиёсатда инъикосини таъминлаш учун қўнунчиликка таъбиқ қилиш, ўрганиш ва таҳлил этишга кўмаклашади;
• БРМга эришиш йўлида бюджетни режалаштириш ва тасдиқлаш, бу борада қилинаётган ишлар бажарилиши ҳамда мониторинг бўйича қарорларни аниқлаш учун бошқа давлатлар билан тажриба алмашиш доирасидаги муҳим вазифани бажаришга ёрдамлашади.

фармаси билан глобал БРМ индексини ҳисоблаш методологиясини ўрганиш ва доимий равишда ахборот алмашиш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўйиш чоралари кўриляпти. БРМга эришиш бўйича олиб борилаётган ишларни ҳолисон баҳолаш учун "MICS" бўйича тадқиқот ўтказиш ишлари бошланган бўлса, аҳолини рўйхатга олиш ҳамда викализация, тиббий-демография тадқиқотларини ўрганиш ва статистикани яхшилаш борасидаги тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Ўзбекистоннинг валюталар харид қобилияти паритетларига асосланган халқаро таққослашлар дастурида иштирок этиши учун ҳам ҳозирлик қўриляпти.

Хукуматимизнинг БРМга эришиш йўлида собитқадамлиги COVID-19 пандемиясига қарши кураш жараёнида ҳам яққол намойён бўлди. Маълумки, юртимизда бу вирус билан илк касалланган ҳолати 2020 йилнинг март ойида кузатилди. Ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар туфайли касалланганлар сони кескин ошиб кетишининг олди олинди. Шу тарафда, мамлакатда рўйхатга киритилган касалланганлар орасидаги ўлим кўрсаткичи жаҳон статистикаси кўрсаткичларидан паст қайд этилиб, 2020 йилнинг март ойи охирига 0,4 фоиз, 2021 йилнинг мартга эса 0,7 фоизни ташкил қилди.

Ўтган йилнинг бошида Ўзбекистонга коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тараққилишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси тузилди. Бошқа давлатлар билан ҳаво, темир йўл ҳамда автомобиль йўллари орқали алоқа тўхтатилиб, мактабгача, ўрта ва олий ўқув юрталарини ёпиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Хорижда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларини ортга қайтариш чоралари кўрилди. Фавқулодда чораларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 19 март куни Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларни эълон қилди. Иқтисодий тикланишни қўллаб-қувватлаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида 10 триллион сўм миқдордаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тузилди.

Шу чора-тадбирлар доирасида кичик бизнес ва хусусий корхоналарга солиқ имтиёзи, кредитлар бўйича кечиктирилган тўлов имтиёзлари берилди. 2020 йил март-апрель ойларида Ўзбекистон Президенти инқирозга қарши чораларнинг яна учта пакетини тасдиқлади. Соғлиқни сақлаш тизимининг имкониятларини оптималлаштиришга қаратилган сайёҳ-ҳаракатлар COVID-19 вирусига чалинганларни даволаш учун 3 та махсус шифохона қуриш, вентилятор, кислород концентратори ва шахсий ҳимоя воситалари каби қўшимча материал ҳамда ускуналар сотиб олиш каби чораларни ўз ичига олган бўлиб, булар амалда қандай самара берганлигини барчамиз кўрдик.

БРМга эришиш йўлидаги интилишларимиз натижасида ўтган уч йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини эркинлаштириш борасида катта ютуқларни қўлга киритди. Бундай ютуқлар 2015 — 2019 йилларда иқтисодий ўсишга қаратилган мураккаб ислохотларни амалга ошириш ва фуқароларга қўшимча имкониятлар яратиш борасида ҳам кўзга яққол ташланди.

БРМ асосидаги Миллий мақсадларга эришиш биз учун энг тўғри йўл. Шу боис ҳозирги пайтда Хукуматимиз томонидан давлат институтларини ислоқ қилиш, фуқаролик жамиятининг ислоқ-хотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш ҳамда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги давлат хизматларини яхшилаш чоралари қўрилаётган-

лигини ҳам ижобий ҳолат сифатида баҳолаш керак.

Қандай натижаларга эришиш?

Барқарор ривожланиш мақсадлари 17 та мақсаддан иборат бўлиб, мамлакатимизда уларнинг ҳар бири бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда ва натижалар ҳам салмоқли.

Масалан, 1-мақсад асосида аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пастайтиришга жиддий киришилди, 2015 йилда 12,8 фоиз бўлган бу кўрсаткич 2019 йилга келиб 11 фоизга туширишга эришилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш эса 2-мақсад ҳисобланади. Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон 2020 йилда Овқатланиш равиоинини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш глобал индексида 6,7 балл билан 107 давлат орасида 30-ўринда қайд этилди ва очлик даражаси паст бўлган мамлакатлар гуруҳига киритилди. Албатта, бунга ўз ўзидан эришилган йўқ. Бунинг замирида ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари (ғалла, туз, тухум, картошка, мева-сабзавот, полиз экинлари ва узум)га бўлган ички эҳтиёжлар тўла қондирилгани ётибди.

Соғлом турмуш тарзини таъминлаш гадаги мақсаддир. Бу йўналишда охириги йилларда бажарилган ишларни нафақат юртдошларимиз, балки халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этиб келаяпти. Бунинг натижасини биргина кўрсаткич, яъни 5 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси 2015 йилда 15,1 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2019 йилда 12,4 гача пастайгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Гендер тенгликни таъминлаш борасидаги интилишларимиз алоҳида бир мавзу. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш учун охириги беш йилда қўллаб ҳужжатлар қабул қилинди. Агар хотин-қизлар ҳамда эркакларга 15 ёшдан бошлаб жинсий ва репродуктив саломатликни сақлаш хизматлари ҳамда ахборотдан тўлиқ ва тенг фойдаланиш имкониятини берувчи қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар сони 2015 йилда 73 та бўлган бўлса, 2019 йилда 101 тани ташкил қилди.

Тўғри, бу борада ҳали муаммолар ҳам бор. Масалан, хотин-қизларнинг рўйхатга олинган иқтисодий даражаси эркакларникидан юқори бўлиб, 12,8 фоизлик кўрсаткичда. Раҳбарлик лавозимларида аёллар улуши пастлигига қўлмоқда. Шунинг учун ҳам Олий Мажлис Сенати томонидан мамлакатимизда хотин-қизлар учун барча соҳада тенг имкониятлар яратишни мақсад қилиб қўйган 2030 йилгача мўлжалланган гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди.

Муҳим мақсадлардан бири бўлган умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, сўнгги уч йил ичида мактабгача таълим билан қамров даражаси 2017 йилдаги 27,7 фоиздан 60 фоизгача ошди. Шунингдек, олий таълим муассасаларидаги талабалар сони 2016 йилдаги ҳар 10 минг кишига 84 тадан 2019 йилда 130 тага етди.

Экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атраф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси қабул қилинди. Унда Ўзбекистоннинг атраф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишлари, яъни вазифалари аниқ белгилаб берилди.

БРМнинг бажарилиши борасида қўллаб далиллар келтиришимиз мумкин. Бироқ бу барча мақсадга эришиб бўлдик, дегани эмас, ҳали олдимизда қилиниши

зарур бўлган қўллаб вазифалар турибди. Уларни амалга оширишда ҳам халқаро ҳамкорликка, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларига таянилади. Бу борада Бухоро шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро форум аини муддао бўлади, деб ўйлайман.

Халқаро ҳамкорлик самараси

Маълумки, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартиби ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадлари инсоният қамолотининг ажралмас қисмидир. Шу нуқтаи назардан, БРМ айнан бир миллат ёки давлатнинггина эмас, балки бутун жаҳон ҳамжамиятининг орзу-истагидир. Шундай экан, уни биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳатликда ҳал этиш мумкин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ана шу ҳаётий эҳтиёж асосида йўлга қўйилган. БРМни амалиётга самарали таъбиқ этишда Ўзбекистон ҳукумати, энг аввало, БМТнинг тузилмалари, жумладан, Тараққиёт дастури, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Аҳоли-шунослик жамғармаси (ЮНФПА), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмаси ҳамда бошқалар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу бир йўналиш бўйича биргаликда дастурлар, "йўл хариталари" жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қуйидаги йўналишларда ҳам фаоллик билан ишлар олиб борилмоқда:

- атроф-муҳит объектларини (атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохимиклик, қўриқландаиан табиий ҳудуд) антропоген таъсир, бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш;
• экологик жиҳатдан кам хавф тугдирувчи материаллар, маҳсулотлар, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланишни йўлга қўйиш;
• қўриқланадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш;
• захарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминлаш;
• чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш;
• аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат органлари фаолиятининг шаффоқлигини ошириш ва фуқаролик жамиятининг бу борадаги ролини кучайтириш.

Концепцияда кўзда тутилган бу вазифалар тегишли "йўл хариталари" асосида амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг 27 ноябрь куни Нью-Йоркда БМТ шафелигида Оролбўйи

минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолияти тақдимоти ва унинг ишга туширилиши бўйича махсус юқори даражадаги тадбир бўлиб ўтди. Траст фондининг мақсади Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини камайтириш бўйича лойиҳа ва дастурларга донорлик маблағларини жалб қилишдан иборат.

Навбатдаги қадам сифатида 2019 йил 8 январда Президентимизнинг "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, жумладан, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун "Йўл харитаси" қабул қилинди.

Шу қарор билан ушбу траст фонди фаолиятига кўмаклашиш ва донорлар ҳамжамиятининг маблағларини жалб этиш бўйича идоралараро ишчи комиссияси тузилди. Фонд учун ҳуқуқий, институционал асосни яратиш мақсадида 2019 йил 24 январда фонд бошқарув кўмитасининг биринчи йиғилиши ўтказилиб, мазкур кўмита ва техник қотибият таркиби ҳамда фондининг раҳбарияти тасдиқланди.

2019 йилда унинг ҳисоб рақамига Норвегия ҳукумати томонидан 1,1 миллион ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2 миллион доллар ўтказилди. Бу маблағлар Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилиши мўлжалланган 2 та лойиҳани молиялаштириш учун йўналтирилди.

Энг муҳими, бу йўналишдаги ишлар тобора изчиллик касб этиб, қўлга киритилётган натижалар салмоқли бўлиб бормоқда.

Форум сайёҳаракатларимизга янгича суръат бағишлайди

Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича юртимизда олиб борилаётган ишлар ва бу борада миллий парламенти-миз ўрни ҳамда шу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик натижалари биз юқорида тилга олиб ўтган Бухоро форумида атрафлича қўриб чиқилади. Айни чоғда бу тадбир ўзаро тажриба алмашишимиз учун мулоқот майдони вази фасини ўтаб беради.

Шу маънода, мазкур анжуманининг мақсади, иштирокчилари хусусида, қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтишни лозим, деб топдик.

Авалло, унинг ташкилотчилари ҳақида. Бу нуфузли анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан БМТнинг мамлакатимиздаги таркибий тузилмалари ҳамкорлигида ўтказилади.

Форумда парламент аъзолари, нуфузли халқаро ва парламентларо ташкилотлар, ёшлар парламентлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда давлат идоралари вакиллари қатнашади. Европа парламенти, Канада, Буок Британия, Германия, Франция, Италия, Испания, Латвия, Болгария, Корея Республикаси, Хитой, Япония, Индонезия, Малайзия, Таиланд, Туркия, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон, Қирғизистон ва халқаро ташкилотлардан 30 нафар спикер ҳам иштирок этади. Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба юртимизга ташриф бу юраётган Парламентлараро Иттифоқ Бош қотиби Мартин Чунгон ҳам ушбу форумда қатнашиш истагини билдирган.

Халқаро форумда қуйидаги масалалар қўриб чиқилади:

- Барқарор ривожланиш мақсадларининг самарали бажарилишини таъминлашда парламентнинг роли;
• БРМни амалга ошириш бўйича тадбирларни молиялаштириш;
• БРМ статистик кўрсаткичларини шакллантириш;
• бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик иштироки;
• БРМ бажарилишида парламент назорати, мониторинг ва баҳолаш аҳамияти;
• бу борада дунё парламентлари ўртасида халқаро мулоқот ва глобал ҳамкорликни ривожлантириш.

Форум яқунлари бўйича Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик тўғрисидаги Бухоро декларацияси қабул қилиниши кутулимизда.

Умуман олганда, нафақат Ўзбекистон тарихида, балки жаҳон миқёсида илк мартаба ўтаётган мазкур форум Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга таъбиқ этишда муҳим ўрин тутлади. Бу борада дунё мамлакатлари парламентларининг инсоният манфаатларидан келиб чиқиб, ўзаро ҳамжихатлик ва ҳамкорликда ҳаракат қилишимиз ҳам миллий, ҳам минтақавий, ҳам глобал даражада Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш имконини беради.

Форум олдидан

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро форум бўлиб ўтади. Унда мамлакатимизда БРМга эришиш йўлида олиб борилган ишлар ва бу борадаги халқаро тажриба чуқур таҳлил қилиниши ҳамда мавзу билан боғлиқ яна қатор масалалар кўриштириш кутилган.

Зейнал ГАЖИЕВ, Халқаро миграция ташкилотининг Марказий Осиё бўйича субминтакавий мувофиқлаштирувчиси: — Бухорода ўтадиган глобал форумнинг асосий мақсади Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда жаҳон миқёсида янги назарий ва амалий тажриба алмашиш, парламентларолини кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Шу билан бирга, форум якуни бўйича бир неча мақсад ва вазифалар — 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо ҳамкорлик тўғрисидаги парламентларо давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг саъй-ҳаракатлари ва имкониятларини бирлаштириш, БМТ Бош Ассамблеясининг "Барқарор ривожланиш мақсадларини амал-



бунга салоҳияти етади. Негаки, унда кўплаб давлатлар парламентлари, парламентларо ташкилотлар раҳбарлари, ёшлар парламентлари аъзолари, халқаро ташкилотлар — БМТ тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда хорижий ва миллий экспертлар ҳамда олимлар қатнашади.

БРМга эришиш, ривожланган давлатлар илғор тажрибаси, амалиёт ва инновацион ёндашувларидан кенг фойдаланиш бўйича парламентларо ҳамкорликини ривожлантириш ҳам кўзда тутилган. Қолаверса, миллий ва халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган масалалар кўриб чиқиладиги, бу барча иштирокчилар учун айти мудоаодир, деб ҳисоблайман.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:



Мамлакатимиз мисолида айтадиган бўлсак, 2015 йилда дунёнинг бошқа давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларининг Глобал кун тартибига содиқлигини билдирди, яъни унда кўзда тутилган мақсадлар миллий даражада бажарилиши бўйича шартларни қабул қилди. Шунга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар, уларга эришишнинг "Йўл харитаси" тасдиқланган бўлиб, айти пайтда шу асосда кенг кўламли ишлар олиб борилаётди.

Бу жараёнда парламентимиз палаталари ҳам қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда, барқарор ривожланиш мақсад ҳамда вазифаларини рўйба қаришида фаоллик кўрсатяпти. Бу борада Миллий мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг ҳиссаси, айниқса, катта бўлаётганини айтиш зарур.

Форум унда қатнашаётган давлатлар парламентларига минтакавий ҳамда глобал даражада БРМга эришиш йўлидаги тараққиётни режалаштириш, бюджетни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўйича қарорларни аниқлаш учун ўзаро тажриба алмашиш бўйича мулоқот майдони вазифасини ўтайди. Биз мулоқот асосида фаолиятимизни янада кучайтириш имконига эга бўлаемиз.

Амира ҲАСАН, БМТнинг тегишли дастури бўйича Форс кўрφαзи араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши давлатларидаги минтакавий директори:

— Форум барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун мамлакат ҳукуматлари зиммасига олган мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш нуктаи назаридан муҳим воқеа.

Ўзбекистоннинг ана шундай нуфузли анжумани ўтказиш ташаббуси билан чиқишини қўллаб-қувватладик. Зеро, охириги йилларда мамлакатингиз халқаро ҳамкорликини кенгайтириш ҳамда миллий стратегик ривожланиш дастурларини илгари суриш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини кучайтириш борасида катта ютуқларга эришди. Бу ғоят ажойиб ва бунда Ўзбекистон парламенти муҳим роль ўйнамоқда.

Бўлиб ўтажак тадбир ана шу муваффақиятларни бутун дунёга намойиш қилиш баробарида, муаммоларни муҳокама қилиш ва Барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш бўйича халқаро келишувга эришиш учун ўзига хос катта имкониятдир. Бошқача айтганда, парламент раҳбарлари ҳамда аъзолари, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамда эксперт ва олимларни бирлаштираётган мажмур форум БРМни амалга ошириш бўйича халқаро тажрибани ҳам бирлаштиради.

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:



— Форум катта аҳамиятга эга воқеаларга бой бўлиши хозирдан тахмин қилиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига видеомурожаати ҳам қўрилмоқда.

боради, улар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентнинг роли, мамлакат тараққиёти миллий стратегияси контекстида БРМни амалга ошириш, БРМ тадбирларини молиялаштиришнинг муҳим масалалари ҳамда статистик кўрсаткичларнинг шаклланиши каби мавзуларга бағишланади.

Форумда Ўзбекистоннинг БРМга эришиш борасидаги ютуқлари, унда парламентнинг ўрни, ҳукумат томонидан кўрилатган чоралар, шу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик бўйича 2021 йилгача мамлакатда қилинган ишларга шарҳ берилган.

СУД ТИЗИМИДА СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Бу каби муҳим вазифалар қонун лойиҳасида ўз аксини топаётганлиги, аввало, соҳада кулайликларни келтириб чиқариши билан бирга, ходимлар фаолиятини тўғри баҳолашда инсон омилининг қамқоғи хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Мазкур ҳужжат лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал кодексига янги институт жорий этилмоқда. Унга кўра, агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, яқна тартибдаги тадбиркорларга нисбатан — ўн бараваридан, фуқароларга нисбатан эса — беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиши лозимлиги белгиланмоқда.

ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги, аввало, мулк ҳуқуқининг ҳимояланганлиги даражаси билан боғлиқ. Тадбиркор ишлаб топган маблағини, мулкни тўлиқ тасарруф этишга ишончи қомил бўлсагина сармоя киритади, бизнесини юритади.

институционал механизмларини янада тақомиллаштиришга хизмат қилиши фракция аъзолари таъкидлади.

Бирок ўзбошимчилик билан хусусий мулк ҳуқуқини поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асосиз вазилар билан кўчмас мол-мулкка аралашувлари кузатилмоқда. Бу ҳолат тадбиркорлар, фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Фракция ййгилишида, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмиталари томонидан "Коррупциядан холи соҳа" лойиҳасини Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида ўрганиш ишлари бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Электорал маданият Унинг сайлов жараёнидаги аҳамияти қандай? Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда электорал маданиятнинг аҳамияти" мавзусида тадбир ўтказилди.

БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРГА САБАБ БЎЛУВЧИ ОМИЛЛАР НЕГА БАРТАРАФ ЭТИЛМАЯПТИ?

Эшитувда таъкидланганидек, соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали ўз ечимини кутиб турган кўплаб масалалар бор. Авваламбор, соғлиқни сақлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупцияга шароит яратувчи нормалар ва бюрократик тўсиқларга сабаб бўлувчи омиллари бартараф этилмаяпти.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов олиб борди. Мавзу доирасида маърузачилар томонидан юксалтирилган аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш борасидаги асосий мақсад ва вазифалар, йўналишлар, фуқароларнинг сайлов жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олган аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури юзасидан батафсил ахборот берилди.

«Халқ сўзи».



Андижонга келишимиздан мақсад — одамларнинг дардини таҳлил қилиб, аниқ режаларни белгилаш, аҳоли жон бошига даромадни ошириш, маҳаллаларда шароитни яхшилаш. Ҳамма натижаларга танқидий қарашимиз керак. Андижоннинг бирини икки қилиш учун яна қандай "ўсиш нуқталари" бор, одамларни қийнаётган нима муаммолар бор, деб савол қўйиб, уларга чора топиш зарур. Бунинг учун ижро органи раҳбарлари ва маҳаллий депутатлар дунёқарашини ўзгартириши керак. Агар улар дунёқарашини ўзгартириб, фидойи бўлиб ишласа, ҳамма соҳа ўзгаради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Фарзандларни ўқитиш — келажакка ИНВЕСТИЦИЯ

Давлатимиз раҳбарининг Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказига ташрифи кутубхонамиз тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан бири бўлди. Президентимиз кутубхонамиздаги учрашув давомида янги кўрсатмалар берди, лойиҳаларга асос солди.

Кутубхонамиз 1965 йилда қурилган бўлса-да, сўнгги йилларда таъмирталаб ҳолатга келиб қолганди. Айниқса, китобларни сифатли сақлаш учун етарли шароитга эга эмас эдик. Давлатимиз раҳбарининг китобга, китобхонликка эътибори туфайли охириги йилларда китоблар сақланадиган ерғула ҳамда махсус хоналар таъмирланди. Уч қаватли бино замонавий киффа ва шароитга эга бўлди.

Кутубхона 872 минг нусхадан ортқ китоб фондига эга. Президентимиз бу ердаги шароит билан танишар экан, китоб фондиди ошириш, аҳолини мутолаага жалб қилиш бўйича муҳим кўрсатмалар берди. Бу жой Андижон вилоятининг маънавият маркази бўлиши кераклиги, фарзандларни ўқитиш — келажакка инвестиция эканини, шунинг учун бу ерга ёшларни кўпроқ жалб этиш, натижадорлигини ошириш кераклигини таъкидлади.

Муҳими, китоб фондиди ошириш учун аниқ вазифалар белгиланди. Унга кўра, нафақат босмахоналарда чоп қилинаётган, балки ҳамюртларимиз қўлда мавжуд бўлган ноёб китобларни сотиб олиш учун имконият яратилди. Биламизки, ҳамшаҳарларимизда ота-боболаридан мерос бўлиб келаятган нодир асарлар бор. Китоб савдоси тендер асосида ташкил этилиши боис уларни сотиб олиш имконини ўйиб эди. Давлатимиз раҳбари ана шу китобларни сотиб олиш учун маблағ ажратилишини айтиди. Шу боис зудлик билан ишга киришиб, фуқаролар билан мулоқот қила бошладик. Келгусида кутубхонамизнинг бошқа кутубхоналардан мавжуд бўлмаган асарлар билан бойитиш ниятидамиз. Учрашувда давлатимиз раҳбарининг китобхоналар сонини ошириш бўйича берган маслаҳатлари янги лойиҳалар ва режаларга асос бўлди.

Гулнораҳон ИСМОИЛОВА, Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази раҳбари.

Бугунимиздан мамнун, эртаимиздан кўнглимиз тўқ

Мамлакат раҳбарининг энг олис ҳудудлардан ҳисобланган маҳалламизга келиб, ҳолимиздан хабар олганидан, очиги, ниҳоятда ҳурсанд бўлиб юрибмиз. Президентимиз жуда самимий инсон эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Кейинги йилларда халқ билан ишлашнинг янги тизими яратилганини биз оддий фуқаролар ҳам ҳаётимизда сезиб яшаймиз. Секторлар раҳбарлари уйма-уй юриб, одамларнинг дарди-ташвиши билан қизиқяпти.

Мен ҳам ишчилар қаторида "аёллар дафтари"га киририлганман. Турмуш ўртоғим билан ўғлим мавсумий ишда ишлагани боис доимий даромад манбаига эга эмасмиз. Шундай бўлса-да, мен ҳам қараб ўтирмайман. Сақиз со-тихли томорқамиздан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляп-миз. Масалан, ўтган йили по-лиз экинлари, ёнғок, анордан ҳам яхшигина даромад олдик. Бу йил бўлғор қалампиридан мўл ҳосил етиштирдик.

Бундан ташқари, 150 бош товуқ парваришляймиз. Тухумларни кунга дўжона топшираимиз. Яқинда 6 бош қўй ҳам берилди. Уларни ҳам парваришлаб, кўпайти-риш ҳаракатидамиз.

Паррандачилик билан шу-ғулланиб, юзлаб аёлларни иш билан таъминлаган кўргонте-паллик Умидаҳон Усмонованинг фаолияти биз учун ибрат на-мунаси бўлади. Ҳеч бўлмаган-да, уйдаги бор шароитдан унумли фойдалансак, шунинг ўзи кифоя, ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлади.

Давлатимиз раҳбари маҳал-ламизда бўлиб ўтган учрашу-да халқимизга бундан ҳам яхши шароитлар яратиб бе-рамиз, деганидан кўнглим тоғ-дай ўсди. Президентимиз маҳалла-



мизга шунчаки келиб-кетма-ди, ҳаммамизни янги-янги иш-ларга, бунёдкорликларга руҳ-лантирди. Киройи гап шуки, ўз ҳаётини яхшилаш учун ҳара-кат қилаётган избосканликлар

оиласи фаровонлигини таъ-минлаш билан юртимиз рав-нақига ҳисса қўшади.

Буюйшаҳон ИСОҚОВА, Избоскан тумани, Себзор кўчаси

Олижаноб мақсад йўлидаги ишларда камарбастамиз



Очигини айтганда, давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифини орзиқиб кутамиз. Бу, баландпарвоз гап эмас. Сабаби Юртбошимизнинг ҳар бир ташрифидан сўнг, албатта, хайрли ишлар кенг қўлоч ёзади.

жон вилояти аҳолисининг турмуш шароитини тубдан яхшилашга хизмат қилувчи жуда катта лойиҳадир.

Тасаввур қилинг, умумий майдони 4 минг гектар бўлган янги шаҳарнинг 2 минг гектар қисмида уй-жойлар, ижтимоий объектлар, саноат зоналари, хизмат ва сервис объектлари қурилади. Биринчи босқичда, 3 минг 310 та квар-тирالي 170 та кўп қаватли уй-жой, мак-таб, поликлиника, боғча бунёд этилади. На-тижада жами 100 мингга яқин доимий иш ўринлари яратилишининг ўзидек бу нақадар кенг қўлдамдаги лойиҳа эканлигидан дало-латдир.

"Янги Андижон" — андижонликларнинг асрий орузларини рўбга чикарадиган лойиҳа. Президентимиз Андижон туманида-

ги адирликда бунёд этилаётган манзилда янги шаҳарчининг тамал тошини қўйиб бе-риши ана шу орузлар ижобати йўлидаги илк қадам бўлди.

Президент ташрифидан сўнг зудлик билан ишга киришдик. Туркиялик мутахассис-лар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага асосан, шаҳарни тоза ичимлик суви билан таъминлаш босқичида ишларда иштирок этиямиз. Мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлашдек, улғуров, олижаноб мақсад йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида, озгина бўлса-да, ҳиссамизни қўшилишидан фахрланамиз.

Исломбек УСМОНОВ, «Андижон сув таъминоти» МЧЖ мутахассиси.



Чинакам тарихий воқеа

Очигини айтганда, бундан беш-олти йил муқаддам "Президент маҳаллага келаркан" дейилса, ҳеч ким ишонмасди. Тасаввур қилинг, вақти тизилганга қарамай, давлат раҳбари қутилмаганда маҳаллангизга келиб, хонадонларга кирса, аҳолининг турмуш шароити билан қизиқиб, уларнинг орзу-ўйлари, фикрларини тингласа...

Бу бир пайлар фақат орзу эди, эндиликда айни ҳақиқат. Бунинг янги Ўзбекистонга хос ўзгаришлардан бири, десак, хато бўлмайди назаримда.

Президентимизнинг маҳалла-миз ташрифи маҳалладошларимиз эътидан чиқмайдиган тарихий воқеа бўлди. Айниқса, Қурбонали Уринов хонадонидagi учрашув ҳаммамизни руҳлантириб юборди. Биласизми, нега? Сабаби, маҳалламизда 150 та хонадоннинг ҳар бирига 150 бошдан товуқ тарка-тиб, уларни доимий даромад ман-баига эга қилиш босқичидаги илк ютуқларимизни давлатимиз раҳба-рининг ўзи қўллаб-қувватлади. Аслида, йил бошида маҳалламизда 87 нафар фуқарони "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар даф-тари"га киритган эдик. Бугунги кун-га келиб, уларнинг 81 нафарини дафтардан чиқардик.

Умуман, маҳалламизда камбағал оиланинг ўзи қолмади, ҳисоб. Дав-латимиз раҳбари бу тажрибани бар-ча маҳаллада қўллаш кераклигини, уй шароитида ҳам яхшигина даро-

мад топиш мумкинлигини аниқ факт ва мисоллар ёрдамида сўзлаганида аҳолининг шашти янада жўш урди.

Ушбу тарихий ташрифдан кейин хонадонларга яна бирма-бир кириб, маҳалладошларимизнинг кайфияти билан қизиқдим. Айтганимдай, одамларнинг шашти баланд, шу боис нафақат эҳтиёманд оилалар, балки мавжуд 460 та хонадоннинг барчасига 150 бошдан товуқ тар-қатишга қарор қилдик. Бу борада яхшигина тажрибамиз борлигидан фойдаланиб, уйдан чиқмаган ҳолда тухум, товуқ гўшти етиштиришга ва махсусотини ҳам жойида сотишни йўлга қўямиз.

Қисқаси, давлатимиз раҳба-рининг ташрифи бизни шу каби янги лойиҳалар устида ишлашга янги куч, янги шижоат бағишлади. Биз на-фақат вилоятда, балки мамлакат-даги намунали маҳаллалардан би-рига айлануш учун бир имконият-мизни ишга соламыз ва билдирил-ган юксак ишонччи оқлаймиз.

Нафосатхон МАҲКАМОВА, «Урганжи» МФЙ раиси.

Файзли, тароватли, нурли маскан

Юртбошимизнинг вилоятимиз бош жоме масжидига ташрифидан, тўғриси, ниҳоятда тўлқинландим. Кўз олдимга болалик дамларим келди. У пайтларда масжидларга қатнаш, намоз ўқиш, ибодат қилиш учун бу қадар эркинлик йўқ эди. Оталаримиз масжидга кетса ортидан қараб қолардик, бирга бора олмасдик. Шунанга замонлар эди.

Шукрки, бугун юртимизда дин, эътиқод эркинлиги таъмин-ланган. Деярли ҳар бир маҳаллада масжид фаоли-ят кўрсатмоқда. Фарзанд-ларимизни дин таълимоти-га йўналтириш учун шароитлар яратилган. Муҳими — масжидлар ёш авлодни маънавиятга, баркамол инсонлар бўлиб тарбия то-пишларида, уларни турли адашган оқимлар, ёт гоёлар таъсирига тушиб қолишдан асрашда жуда катта ўрин тутди.



Президентимиз бу ерга ташриф буюриб, олиб борилган ишлар билан танишди. Мўмин-мусулмонлар учун бундан-да қўлай имкониятлар яратиш лозимлигини айтганида, тўғриси, кўзимга ёш келди. Армон шуки, бундай кунларни ота-бобо-ларимиз кўрмади. Давлат раҳба-рининг ўзи масжидга келиб, яна ни-маиқи қилиш керак бўлса, ҳамма-сини бажарамиз, дегани вилоят фаолларига куч берди.

Ишонамизки, бу муборак мас-канда қилинадиган ибодату дуолар турли бало-офатлар даф бўлишига ва хайру барака мўл бўлишига са-баб бўлади.

Жамолiddин КАРИМОВ, Андижон шаҳри

Юксак эътибор янги марраларга ундайди

Сўнгги уч-тўрт йилда бажарилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, олий, ўрта-махсус ва умумтаълим соҳасидаги ишларнинг нечоғли кенг қамровли эканлигига гувоҳ бўламиз.

Бугун мактабгача таълим соҳа-сида янгилаш ишлаш услуби жо-рий этилди. Давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат ва давлат-хусусий шериклиги асосидаги мактаб-гача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилган давлат раҳбарининг муҳим бўлган ишларга ҳам эътиборни қаратди. Жумладан, фаоллар билан учрашувда вилоятда жорий йилда 16 та давлат-хусусий шериклик ва 823 та оилавий боғча, бир йиллик мажбурий мактабга тайёрлов гуруҳларини таш-кил этиш орқали вилоятда мактабгача таълим қамровини 63,7 фоиздан 73 фо-изга етказиш бўйича топшириқ берди.

Шунингдек, таъмирталаб 42 та боғ-ча 2022-2023 йиллар инвестиция дас-турларига киритилди.

Бугун ким билан сўхбатлашманг, ҳаммамизнинг онгидега ижобий ўзгаришлар, янги гоёлар тугилмоқда. Соҳада бажа-рилиши лозим бўлган масалалар ху-сусида гап кетар экан, менда келгусида хусусий мактаб очил истаги пайдо бўлганини айтмасам бўлмас.

Зилолаҳон ЖАЛОЛОВА, «Жажжи юлдузлар» давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти мудири.

Кўнглимизни тоғдай кўтарган ташаббуслар

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи андижонликларга янги куч, кўтаринки кайфият бағишлади. Юртбошимизнинг вилоятда бутун бошли шаҳарча ташкил этиш, иқтисодийнинг ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга доир ташаббуслари, оддий одамлар билан ўтказган самимий мулоқотлари халқимизнинг кўнглидан жой олди, эртасига ишончини оширди.

Ассосийси, ишлаб чиқариш кор-хонасида бўладими, маҳал-лада ёки далада, энг аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳақида фикр билдирди. Бу бежиз эмас.

Утган йили Президентимизнинг ташаббуси билан бир қанча ёшларга бунёддан бўшган майдонлар бўлиб берилди. Улар қаторида ўғлим Қодиржон Собиров ҳам ўн сотих ер олиб, дехончилик қила бошлади. Фарзандимни қўллаб-қувватлаш, бил-маганини ўргатиш мақсадида далага бордим, то кузгача қўлиб кетдим. Ҳосилдорлик чакки бўлмади, даромад ҳам шунга яраша.

Бундоқ кузатсам, шу ўн сотих май-донда оиламиздан уч киши доимий ҳаракатда бўлибмиз. Бу дегани,

ўғлимнинг ортидан яна икки киши ишли бўлибмиз-да. Президентимиз-нинг ёшларга бўлган эътибори биз каби уй бекаларини ҳам руҳланти-риб юборганини шу бўлса керак-да!

Бу йил эрта кўклардан ишга яна астойдил киришдик. Бир танишимиз-нинг дала ховлисидаги 7,5 сотихдан иборат майдонга бақажон экандик. Айни пайтда илк махсусотини бозор-га чиқардик.

Ҳисоб-китоб қилиб кўрсам, ҳар кун 3-4 қопдан бақажон йиғил-миз экан. Улғуржи нарҳда килоси-нини минг сўмдан сотганимизда ҳам кунига 120 минг сўм даромад то-паямиз. Демак, бир ойда бу, тах-минан 3 миллион 600 минг сўм бўлар экан. Бу маблағни фарзан-



димнинг таълим олишига йўнал-тирмоқчимиз.

Президентимиз Избоскан тумани-даги "Рустамжон Замин ривож" фер-мер ҳўжалигида бўлганида ёшларга ақраб берилаётган ер майдонини энди 10 йил мудатга берамиз, деб айтиди. Бу қанчалар катта эътибор эканлигини мен каби оналар жуда яхши билишамиз.

Дилфузаҳон СОБИРОВА, уй бекаси, Андижон тумани

Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига навбатдаги ташрифи давомида қўллаб янги лойиҳалар тасдиқланди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, таълим, транспорт йўналишларида аниқ ва пухта ишланган режаларнинг амалий фаолиятига киришилди. Ўзгаришлар шундоққина ҳамюртларимиз кўз ўнгидега юзага келмоқда ва унда фуқаролар ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу эса барчада эртанги кунга бўлган ишонччи янада мустаҳкамлаштири. Ишонч, умид, истак ҳамда мақсад бор жойда ҳаракат, интилиш, изланиш, таваққур ва самара ўз ифодасини топади.

«Халқ сўзи».

Footer section containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.